

ҚИШ ОЙИДА АВТОТРАНСПОРТЛАРИДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Н.Тажимуратов

Хўжайли тумани ФВБ

ФВПБ инспектори капитан.


<https://doi.org/10.5281/zenodo.18112702>

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан қиш мавсумида автотранспорт воситаларидан фойдаланишда хавфсизликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Қор ёғиши, музлама, туман ва паст ҳароратлар йўл-транспорт ҳодисалари ҳамда фавқулодда ҳолатлар келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Қиш мавсумидаги асосий хавф омиллари

Автомобиль йўлларида музлама ҳосил бўлиши натижасида транспорт воситаларининг сирпаниши;



Қор ёғиши ва туман сабабли кўриш масофасининг чекланиши;

Совуқ ҳаво таъсирида автотранспорт техник ҳолатининг ёмонлашуви;

Айрим йўл участкаларининг вақтинча ёпилиши ёки ҳаракатнинг чекланиши.

ФВВ томонидан тавсия этиладиган профилактик чора-тадбирлар

Автотранспорт воситаларини қиш мавсумига тайёрлаш

Қишқи шиналарни ўрнатиш ва уларнинг техник ҳолатини текшириш;

Аккумулятор, тормоз тизими, рул бошқаруви ва ёритиш мосламаларини кўрикдан ўтказиш;

Совуққа мос антифриз ва ёқилғи-мой материалларидан фойдаланиш.

Ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя этиш

Белгиланган тезлик меъёрларига амал қилиш;

Олдинда ҳаракатланаётган транспорт воситаси билан хавфсиз масофани сақлаш;

Кескин тормозлаш, тез бурилиш ва хавфли манёврлардан воз кечиш.



Фавкулудда ҳолат юзага келганда амалга ошириладиган ҳаракатлар



Автотранспорт воситаси сирпаниб кетганда вазиятни барқарорлаштириш чораларини кўриш;

Йўлда тўхтаб қолиш ҳолатида авария сигналинини ёқиб, огоҳлантирувчи белгини ўрнатиш;

Зарур ҳолларда 101 ёки 112 телефон рақамлари орқали қутқарув хизматларига мурожаат қилиш.

Фавкулудда вазиятларнинг олдини олиш ҳар бир ҳайдовчининг фуқаролик бурчи ҳисобланади. ФВВ томонидан берилган тавсияларга амал қилиш, қиш мавсумида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва инсон ҳаётини асрашда муҳим аҳамият касб этади.

Фавкулудда ҳолатлардан огоҳ бўлинг — хавфсизликни унутманг!